



## ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИ ЕТАКЧИЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА ТАШХИСЛАШ

**Абдалова Сайяра Рустамовна**

Чирчиқ давлат педагогика институти доценти

**Умарова Айман Илес кизи**

Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчи

**Толипова Юлдуз Шавкат кизи**

**Усмонова Ойдин Зоир кизи**

Чирчиқ давлат педагогика институти З босқич талабалари.

**Аннотация:** Ушбу мақолада инсоннинг ҳаётда, турмушда, таълим-тарбия олиши учун ўз ўрнини топиши учун қандай сифат ва фазилатлар кабиларга эга бўлиши кераклиги ҳақида сўз юритилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** ҳақиқат, муаммо, сабр, тежамкорлик, мустақил, тадбиркор, объектив, психология, ҳукм, қатъиятлили, мулоҳаза, комил, асаб, спорт, саломатлик, муомала, мулоқот, услуб, лидер, имконият, характер, норматив, педагогик технология, интерфаол усул ва бошқалар.

### ОПРЕДЕЛЕНИЕ И ДИАГНОСТИКА ЛИДЕРСТВА ОБУЧАЕЩИЙСЯ


**Аннотация** В данной статье речь идёт о качествах и достоинствах человека, определении своего места в жизни, бытие, а также его развитие в процессе образования и воспитания.

**Ключевые слова:** действительность, проблема, терпение, бережливость, самостоятельность, распорядительность, объективность, психология, жесткость, диалог, ум, нервы, спорт, здоровье, отношение, метод, лидерство, возможность, характер, нормативность, поведение, педагогическая технология, интерактивные методы и др.

### DETERMINATION AND DIAGNOSIS OF LEADERSHIP

**Annotation:** This article deals with the qualities and merits of a person, determining their place in life, being, as well as its development in the process of education and upbringing.

**Key words:** reality, problem, patience, frugality, independence, orderliness, objectivity, psychology, rigidity, dialogue, mind, nerves, sport, health, attitude, method, leadership, opportunity, character, normativity, behavior, pedagogical technology, interactive methods,






Инсонни хар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, халқимизнинг азалий орзуси бўлиб аждодларимиз маърифат, маънавият ва маданиятни қандай қилиб ёш авлодга ўргатиш, уларни комилликка етаклаш йўллари, қонун-қоидаларни муттасил излаганлар. Чунки, инсоннинг маърифатли ва маънавий комилликка эришиши унинг ҳаётда, турмушда, таълим-тарбия олишда ўз ўрнини топиши етакчилигига амалга оширилади.

Бу ўз навбатида, бугунги кунда инсоннинг ўзини англашни, ҳақиқатни, ўз муаммоларини ҳал эта олишини, қанчалик сабрлигини, тежамкорлигини, таъсирга берилувчанлигини, ўзида ҳазил-мутойиба туйғуси борлигини, қанчалик мустақил эканлигини, ҳассос ёки тадбиркор эканлигини, қанчалик объектив ва кузатувчан эканлигини, ўз феъл-атворини, қандай психологик турга мансублигини, ўзини тута билишини, одамлар билан тез чиқишиб кета олишини, ўз хукмини ўтказа олишини, қатъиятлилигини, журъатли ёки журъатсизлигини, ўз мулоҳазасига эгалигини, иззаталаблигини, ўзига нисбатан ишончи комиллигини, асаблари жойидалигини, саломатлигини, тақдир зарбаларини қандай енгиш мумкинлигини, ишбилармонлик қобилияти бор ёки йўқлигини, раҳбар муомала ва мулоқот услубини, лидерлигини, қайси гурӯҳ инсонларга киришлигини, шахсий ички имкониятини, характер типини, норматив-хуқуқий хужжатларни, педагогик ва ахборот технологияларни, интерфаол усуллар кабиларни билиш кераклиги тақозо этади.

Ҳар бири инсон дўст, қўшни, ҳамкасб, бошлиқларни баҳолашга тўғри келади. Одатда, инсон ўзини қандай тутиши, хулқ-атворига қараб ижобий ёки салбий баҳолайди. Албатта, ҳар доим ҳам инсонни тўғри ва объектив баҳолашнинг уддасидан чиқиб бўлмайди. Биринчи таассурот алдамчи бўлади деб, бежиз айтишмайди. Тажрибасиз инсон кўпинча фақат ҳис-туйғуларига таянади, уни баҳолаш учун дейлик, руҳиятшуносдан фарқли равища объектив мезонлари йўқ.Faқат айримлари инсонни тамомила рўйи-рост баҳолаш каби ҳақиқатда ажойиб қобилиятга эга. Улар ҳақида ниҳоятда синчи одам дейишади. Бироқ орамизда ёлғончини жуда яхши одам деб, камгапни эса, ёмон одамга чиқариб, фавқулодда адашадиганлар ҳам анчагина. Бундай инсонлар бошқаларни субъектив баҳолайди. Шу каби янгилишилар туфайли турли келишмовчилик ва тушунмовчиликлар рўй беради. Табиийки, инсонни объектив баҳолашга ўрганиш осон эмас. Ҳатто маҳсус таълим олгандан кейин ҳам камдир яхшироқ, бошқаси эса, ёмонроқ руҳиятшунос бўлиб етишади. Маҳсус тайёрланган тест психология соҳасида инсонларни объектив баҳолашга имкон беради.

Кузатувчан инсон ташқи аломатларга кўра одамлар ҳақида кўп нарса айта олади. Шерлок Холмс даҳоларча кузатувчанликка эга бўлган. Бунинг учун алоҳида ишлаб чиқилган тест инсоннинг ушбу санъатни қай даражада эгаллаганини текширишга ёрдам беради.





Фарбнинг машҳур руҳиятшуноси Г.Юнгнинг “Психологик турлар” китобида илк бор экстравертлар (ташқарига қаратилганлар) ва интравертлар (ичкарига қаратилганлар) ҳақида сўз борган. Муаллифнинг фикрича, ҳаётга мослашишнинг икки хил варианти мавжуд. Улардан бири - экспансия: доимо мулоқот қилиш, алоқаларни кенгайтириш, ҳаёт берган ҳамма нарсани олишдан иборат. Интравертлар эса, аксинча ўз алоқаларини чеклаб, худди ўз қобиғига яширгандек одамови бўладилар. Ушбу йўналишга оид тестни бажариш билан инсоннинг қайси хилга мансублигини билиб олишга ҳаракат қилиш мумкин.


Инсон ҳаддан ташқари импульсив бўлиб, хаёлига келган ҳамма нарсани оқибатини ўйламасдан беихтиёр бажариб юбориши мумкин. Бироқ ортиқча жizzакилик, таъсирчанлик ҳамкаслар, қариндошлар, дўстлари билан мулоқот қилганда жиддий муаммолар келтириши мумкин.

Испанлар ишлаб чиққан тестга “ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб бериш билан инсоннинг ўзини тута билишидан бохабар бўлади.

Шундай инсонлар борки, ёлғизликка тоқат қилолмайди. Улар киришимли, ҳатто нотанишлар даврасига кириб қолганда ҳам ўзини бемалол тутишади, ёқимтой, сермулозамат, жамоада ўзларини тута биладиган инсонлар. Бошқалари, аксинча, қўпчилик даврасидан, зиёфат кечаларидан, руҳини кутқарувчи сухбатлардан нарироқ юрадилар, танишганда салобат босиб, гангиб қолишлари мумкин. Сиз қанчалар киришимлисиз? Буни аниқлаш учун испан руҳиятшунослари тести таклиф этилади. Тавсия этилган вариантлардан қай бири кўпроқ даражада инсон учун яқинроғи танланади.

Тестлар таълим оловчилар фаолиятини аниқлаш ва баҳолашга, улар фаолиятини келажакда тўғри режалаштириб олишга, ўз билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш йўлларини таҳдил этишга, таълим оловчиларда индивидуаллик, мустақиллик, эркинлик, ҳамкорлик, ижодкорлик, тадбиркорлик, ташаббускорликка оид компетентликнинг шаклланишига ёрдам беради, унинг натижалари таълим оловчилар фаолиятини келажакда янада такомиллаштиришга, ҳаётда ўз ўрнини топишга ва Ватанимиз равнақига қўшадиган ҳиссаларни оширишга олиб келади.

**Педагогик тестлар афзалликлари қўйидагилар:** тест топшириқлари ўқув фанининг асосий мазмунини қамраб олади, барча таълим оловчилар тестнинг бир хил саволларига жавоб берадилар, бу уларнинг билимларини таққослашга имкон беради, улар билимига ҳаққоний баҳо бериш мезони ошади, тест назоратида олдиндан яратилган барча учун бир хил бўлган шкала ёрдамида улар билимига бир мунча аниқ ва табақалашган баҳо қўйишга имкон беради, таълим берувчи таълим оловчилар билимини назорат қилишга кам вақт сарфлайди. бошланғич даражасини ва ҳар қандай вақт оралиғида билимларни ошириш имкониятини ўлчашга шароит яратилади, тест назорати компьютерлаштиришга қулай, бу педагогик тестлашнинг асосий





афзалликларидан биридир, ўқув жараёнининг такрорланувчанлиги ҳам айнан шунда ўз ифодасини топади.

**Тест тузишдаги энг характерли хатоларнинг таҳлили қўйидагилар:** ёпиқ тест топшириқларига таклиф қилинаётган жавоблар миқдорининг камлиги, тестда оддий, воқеаларнинг саналари, атамалар, исм-шарифлар, яъни фақат эслаб қолишни талаб этадиган топшириқларнинг кўплиги, тест топшириқларининг шу фан бўйича дарсликка ўта боғлиқ қолганлиги, тестда шу ўқув фани асосий қоидаларини умумлаштирадиган мажмуали характердаги топшириқларнинг йўқлиги, таклиф қилинадиган жавобларнинг катталиги, тест топшириғи шартларини таърифлашдаги кўп сўзлилик, таърифлашдан икки хил маъно чиқиши ёки унинг аниқмаслиги, топшириқни нотўғри тушунишга олиб келиши мумкин.

Ишлаб чиқиладиган тест топшириқлари сони, режалаштирилган сондан тахминан икки-уч марта кўпроқ бўлиши керак. Бу, бир хил ўқув фани бўйича тестларнинг бир неча турли вариантларини яратишда зарур бўлади. Тажриба кўрсатишича, топшириқларнинг тахминан ярмидан кўпроғи биринчи синовдан кейин, бошқаларидан эса кейинги чукур таҳлил жараёнида яроқсиз деб топилиши мумкин.

**Тест топшириқларига қўйиладиган дидактик талаблар қўйидагилар:** ўқув мақсадига мувофиқлиги, материалнинг аҳамиятлилиги, илмий аниқлик, изчиллик, тўқислик ва уйғунлик, ўзлаштириш даражасига кўра табақалангандиги, самарадорлик, вақтнинг қатъий белгилангандиги, ихчамлик, тил равонлиги, аниқлиги ва бир маънолилиги, мураккаблик меъёри, тўғри жавобда қўшимча белгиларнинг мавжуд бўлмаслиги, вариативлик. шаклан ва мазмунан ўзаро боғлиқлик.

Тузилган тест топшириқларининг ҳаммасини ҳам бирдек қўллашга яроқли деб бўлмайди. Тест саволлари мукаммал бўлиши учун, уларни тузишда бир қанча талабларга амал қилиш лозим.

Шундай қилиб, тест топшириқлари талаб этиладиган билимлар, кўникмаларни эгаллаш даражасини тўла-тўқис аниқлаши керак. Бунинг учун тест топшириқларида акс эттирилиши зарур бўлган муайян масалалар рўйхати, яъни тест спецификацияси ишлаб чиқилиши зарур.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. М.Маҳкамова. Ўқув машғулотларида фойдаланиладиган тарбиялаш технологияси. ТФИ жунарл №3 сон 44-46 б.

2. Н.Юсупова. Ўзингизни биласизми оммабоп тестлар. -Т.: "Davr press" НМУ 2013.-220 б.

